



220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 423а

Боғот шаҳарчаси

Фуқаро Аманова Муҳаббат Умидбек кизини вояга етмаган укалари 2003 йил 14 апрелда туғилган Аманова Сурайёхон Умидбек кизига нисбатан ҳомий, 2006 йил 20 июнда туғилган Омонов Муҳаммаджон Умидбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42 моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2020 йил 2 мартдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот туман “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро 1995 йил 6 майда туғилган Аманова Муҳаббат Умидбек кизини вояга етмаган укалари 2003 йил 14 апрелда туғилган Аманова Сурайёхон Умидбек кизига нисбатан ҳомий, 2006 йил 20 июнда туғилган Омонов Муҳаммаджон Умидбек ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Маскур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васий ва ҳомийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васий ва ҳомийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижрасини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О. Холбоев